

ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДА

- ЯНГИ ЙИЛ ЭШИК ҚОҚМОҚДА
- ДАЛА МЕХНАТКАШЛАРИ ХИЗМАТИДА
- СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
- ТОҒДАГИ ХОДИСА

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

«ФЕРУЗА» ИЗЛАНИШДА

КАЛИНИН районидаги «Назарбек» маданият уйида ташкил этилган ашула ва рақс ансамблига турли касб эгалари жалб қилинган. Улар асосий иш фаолиятларидан бўш вақтларини санъатга бағишламоқдалар.

Ижодий коллективда қатнашган ҳаваскор созанда, хонанда ва раққосалар ўз маҳоратларини оширишга, янги-янги музика асарларини ўрганишга катта аҳамият бермоқдалар. Ансамбль аъзолари кейинги пайтларда ўзларининг концерт программалари билан «Назарбек», «Хасков», «Текстильщик» ва «Ўзбекистон ССР 50 йил» сингари совхозларнинг ишчиларига намунали маданий хизмат кўрсатишди. Томошабинлар ҳаваскор санъаткорларнинг партия, она-дидар, тинчлик, меҳнат ва дўстликни улуғловчи куй-қўшиқлари ҳамда рақслари

А. ТОЛИПОВ.

ҒАРБИЙ ЕВРОПА САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Ғарбий Европа санъати кўргазмаси намоиш этилмоқда. Кўргазмадан Франция, Англия, Германия, Нидерландия, Италия, Австрия, мамлакатлари расмоларнинг XVI—XIX асрларда яратган юздан турли гравюра ва линография асарлари ўрин олган. Айниқса, француз расмолари Йерар Видалнинг «Фарзандга муҳаббат», Бенуа I нинг «Кирол Людовик XIII нинг туғилиши», немис расмолари Эрнст Людвигнинг «Вақт», «Судьялар» каби гравюралари санъат мухлислари эъти-

борини ўзига жалб этмоқда. Италия расмолари Раймондининг «Александр Македонский Гомер китобини тобутга яширмоқда», Рафаэлининг «Поззия», «Афина мактаби» каби асарларида илм ва маърифат қадрига етиш, тинчлик ва оқилоллик учун кураш улуғланади. XIX асрда англиялик машҳур расмол Андрей Доран Россия бўйлаб саёҳатда бўлиб гравюра санъатида Россия туркумидан 50 дан зиёд асар яратган. Кўргазмада ана шу туркумдаги баъзи бир асарлар ҳам намоиш этилмоқда.

М. АХМЕДОВ.



«ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ»

ЎЗБЕКИСТОН телевидениеси Янги йил байрамига бағишланган махсус кўрсатув ва ната концерт тайёрламоқда. Томошабинлар бу қизиқарли ва ранг-баранг программа орқали ишлаб чиқариш илғорлари, республикамизнинг таниқли ишчилари ва меҳмонлари билан учрашадилар, дилрабо куй-қўшиқ, рақслар ва бошқа кулгилли томошалардан баҳраманд бўладилар. Суратларда: (юқорида) республика телевидениесининг директори Р. Жўраева Гурлан районидagi «Коммунизм» колхозининг бригадаси бошлиғи А. Маттиринов ва Сурхондарёдаги 3-область касалхонасининг бош врачси Д. Эргашев билан суҳбатлашмоқда; саҳнада «Баҳор» халқ рақс ансамбли санъаткорлари.



КИТОБСЕВАРЛАР КЛУБИ

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича республика Давлат комитети ҳузурида «Китоб» клуби ўз иштини бошлади. Клубда ношир ва ёзувчилар, китоб савдоси ходимлари ва китобхонлар билан учрашувлар, амалий конференция ўтказиш ҳамда совет ва чет эл ёзувчиларининг юбилейларини нишонлаш режалаштирилган.

ТАРИХ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

ФОШ ЭТИЛГАН ҲИЙЛА

Пётр I эндигина тахтга ўтирган пайтларда Россиянинг деңиз йўллари ҳар томондан берк эди. Шимолдаги сув йўлларида шведлар, жанубдагисига эса турклар ҳужайинлик қилишарди. Улар билан жанг қилишга рус армиясининг қудрати етмас эди. Чунки, қурол-яроғлар кам, жанговар тўплар йўқ даражада эди. Қурол-яроғ ясашга эса металл керак. Пётр I куй ўйлаб ўтирмади. Бутхоналардаги қўнғирларни олиб замбаранлар, қуроллар ясашни буюрди.

Бу ҳол руҳонийларга ёқмади. Улар Пётр I ни бадном қилиш учун ҳар хил уйдирмалар, найранглар қўлай бошладилар. «Тахтимизга Исога бутунлай душман бўлган одам ўтириб, худого қарини ноқулай ишлар қилмоқда» — деб аюҳаннос соддиқлар. Улар: «Бандлар, қўриб қўйинг, бу осийнинг зулмига чидай олмаган Биби Марям ҳам йиғлапти» деб бутхонага қўйилган Биби Марям суратини кўз ёш тўқатганлигини айтганлар. Ибодат қилгани келганлар уни ўз қўллари билан қўриб ишонганлар.

Бу гап Пётр I нинг ҳам кулгоғига бориб етди. У дарҳол ибодатхонага келиб бу ҳодисани кўради. Ҳақиқатан ҳам Биби Марямнинг қўлларида томчи-томчи ёш оқиб тушаётган эди. Ибодатдан сўнг Пётр I суратни текширди. Сурат қўйилган жойи орқасидан чуқурча оғизни ичигча, найсимон (дори томиғич) ўратилган бўлиб, ёнида арча ёни тўлдирган идиш қўйилганлигини тўғри билиди. Ҳарорат ошган сари арча ёни най орқали сизиб чиқиб сурат орқасидан Биби Марямнинг қўлига тўғрилай ўйланган кичик чуқурчага тушаркан. Чуқурча тўлдирган сўнг Биби Марям қўлларидаги бурчакларидан очилган сезиларсез элмас тешикчалардан чиқиб, худди ёш шаклида томчилаб тураркан. Суратга узоқдан қараган кишига бу ҳол кўз ёшига ўхшаб кўринишини аниқлаган Пётр I руҳонийларнинг бу найрангларини фожия эди.

«Диний мўжизаларнинг сирлари» китобчасидан.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 декабрдан бошлаб

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИЛА

«ЦИРКДА АРЧА»

КАТТА ЭРТАК ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ
Томошалар 24, 25, 26 декабрда соат 12, 14.45, 19.30 да; 27, 28, 29, 30 декабрда соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да; 31 декабрда соат 10, 12.30, 14.45, 17.00 да; 1—11 январь кунлари соат 10.30, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди. Коллектив аъзолари қабул қилинмоқда. Қишлоқ жойларидан келган томошабинларга навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Касса ҳар кун соат 10 дан 20.00 гача ишлайди. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

29 декабрдан 10 январгача

Мақтаб ўқувчиларининг қишқи каникул кунларида Қорбобо, Қорқиз ва ўргатилган ҳайвонлар иштирокида

«СЕҲРЛИ ОРОЛ СИРЛАРИ»

АФСОНаВИЙ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

Саҳналаштирувчилар — Украина цирки артистлари. Томошалар: 29, 31 декабрда 13.00 да; 30 декабрда 11, 13, 15.00 да; 1 январда 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 январда 11, 13, 15.00 да бошланади. Билетлар Марказий «Юбилей» спорт саройи кассаларида сотилади.

Кассалар ҳар кун соат 14 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив бўлиб кўриш учун аъзолар қабул қилинмоқда. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 — касса; 46-68-77, 46-07-53 — администратор.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ РАДИОҲАВАСКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1986 йил 21 декабрдан 28 декабргача

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УИИДА

Тошкент область ДОСААФ комитети, область радиоспорти федерацияси Тошкент илмий-техника жамиятининг техника уйи билан ҳамкорликда ташкил этган радиоҳаваскор-конструкторларнинг

КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кўргазмада қатнашиш учун барча истатган радиоҳаваскорлар ва ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинади.

Справаларни қуйидаги адресдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, ТТЗ-1 масшину, 48-й, Тошкент область ДОСААФ комитети (17, 24-автобусларнинг сўнгги бекати). Телефон 64-67-82.

ШАХМАТ БУСТОНИНИНГ БОҒБОНЛАРИ

«ДИЛОРОМ МОТИ»

«Минг бир кеча» эртаклари камраб олган турли-туман саргузашт воқеалар орасида шатранж-шахмат тахтасидаги ибратли тўқнашувлар ҳам бор. Улар бир томондан, бу қадимий ақл-идрок ўйинининг асл ватани Шарқ эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, унда ғолиб чиқувчи қаҳрамон—донолар — аёллар эканлигини билан жозибали ва қимматлидир.

«Дилором моти» афсонаси ҳам жуда қадимий. Унда айтилишича, Жамшид шахматга мукасибдан кетган шоҳ экан. Кейинчалик у шахматни ҳатто қимморога айлантиришга бориб етибди. Кунларнинг берида Жамшид қўшини мамлакат подшоҳи билан шахмат суриб, бор мол-мулки-

дан ажрағач, нисоят, хотини, гўзал Дилоромни ўйинга тикибди. Бир вақт тахтада шундай ҳолат юз берибди:

[диаграммага қаранг]

Оқлар (Жамшид)нинг аҳволи танг: шоҳига турт томонлама тоқ хавфи тугилган. Шу пайт Жамшид Дилоромга маънос қараган экан, ўйинни парда орқасидан кузатиб турган маллика фақат эри тушунмагани тилда мана бу турткини аста қўшиққа солиб айтибди:

Шоҳо, фараси хеш баноком мадеҳ, Серриштайи худ бамардуми ом мадеҳ.

Газетхон Чори Шердонов ҳамда бошқа ўқувчиларимизнинг шахмат маззасига бағишланган мактубларида «Газетада шахматчилар саҳифаси очилса ва унда мухлисига ҳар хил топшириқлар бериб берилса..» дейилбди.

Эътибор қилган бўлсангиз «Бог сайримизда» мухлисларнинг ўзига ҳавола қилинган қизиқарли топшириқлар биртайд.

Хоҳи ки эри дасту ту Дилором марвад.

Ду рух бидеҳу аспи Дилором мадеҳ. Унинг қисқача маъноси: «Икки рухнинг бергани, аммо Дилором отини эътиёт қил...» Бунга пайкаган Жамшид ажойиб мансуба — комбинация кўмағида ҳарфини мот қилибди.

Мана ўша аёл: 1. Лh8-I Kp:h8 2. Cf5+ (қадимги шахмат—шатранжда фил ана шундай, яъни бир хона ташлаб-хатлаб нағисига юрган) 2... Kpg8 3. Лh8+I Kp:h8 4. g7+ Kpg8 5. Kh6 X.

«Дилором моти»дан илҳомланган ғарб шахмат проблемистлари шунга ўхшаш 200 та масала тўзганликлари диққатга сазовордир.

Газетхон Чори Шердонов ҳамда бошқа ўқувчиларимизнинг шахмат маззасига бағишланган мактубларида «Газетада шахматчилар саҳифаси очилса ва унда мухлисига ҳар хил топшириқлар бериб берилса..» дейилбди.

Эътибор қилган бўлсангиз «Бог сайримизда» мухлисларнинг ўзига ҳавола қилинган қизиқарли топшириқлар биртайд.

ОҲЧИ ҲИКОЯСИ

МАЙМОҚ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Шимолий-ғарбий Тянь-Шаннинг тоғ рельефи ва ўзига хос иқлим шароитлари унинг ўсимлик ва ҳайвонот олами турли-туман бўлишига олиб келган. Воқеа ҳар хил дараклар — тоғ, олма, нок, анғок, оқ қайин, арча, буталардан эса наъматак, қора қант, нақанда ва бошқалар ўсади. Бу ерда айқинлар, тўғизлар, бўрсинлар, тоғ эчкилари, тулки, суғур ва бошқа ёввойи ҳайвонлар ҳамда турли-туман паррандалар яшайди. Бир сўз билан айтганда, унинг табиат олами жуда гўзал ва латофатли, мафтункор ва жозибалидир.

Шунинг учун ҳам воқеа ҳар бир табиғий ишчибозини ўзига тортади. Биз ҳам шу гўзалликдан баҳраманд бўлиш учун йўлга чиқдик. Ўзлик машинамиз Нанай қишлоғи яқинидаги олма кўприкдан ўтган бироз дам олмоқчи бўлдик. Урмончи Неъматилла Миршоев қўйрада-қўймай бизни бир пиёла чойга таклиф қилди. У ўз участкасини айланиш вақтида ҳайвонларни кузатиш давомида жуда кўп қизиқ воқеаларнинг шохиди бўлган. У шулар ҳақида мароқли ҳикоя қиларди. Айниқса, ўзининг ҳеч қутилмаганда маймоқ билан юзма-юз келиб қолганлигини ҳаяжон билан гапириб берди:

— Қузнинг сўнгги ойн эди. Дараклар сап-сарик либосга бурканган бўлиб, қишнинг айланиш вақтида ҳайвонлардан дарек берарди. Табиатнинг мафтункор манзарасига маъна бўлиб айлиб оёқ йўлдан тушиб кетаятган эдим, худди эртаклардаги каби, олдимда ҳақиқий маймоқ пайдо бўлди. Орамизни бир неча метр масофа ажратиб турарди.

Қўзларимиз бир-бири билан тўқнашди. Нима қилишни билмай қимир этмасдан туравердик. Бироқ айқиннинг қопқора мунчоқ кўзларида ҳам қайғу-ғазабни сезмадик. У ҳам менга қизиқиш билан

боқарди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач у четга ташланди, мени эса тошлар тизмасига югура чиқиб олди.

— Ёзининг исми қузнларнинг бирда ҳам айқинловчи яқиндан кўрдим, — ҳикоясини давом эттирди ўрмончи. — Тоғлар тепасида ўттиз гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ассилик бор. У абдий музликлар яқинида жойлашган. Бир вақт юқорида бошимга майда тошлар туша бошлади. Ўша ёққа қараб жойимда қотиб қолдим. Чиқиб турган катта тош устида кўкраги оқ айқ турар, унинг атрофида боласи ўйноқлаб югуради.

Орамиздаги масофа узоқ бўлгани жонимга аро кирди, акс ҳолда унинг ҳужумига учраш мумкин эди. Чунки, айқ боласи яқинида бирор қимсаннинг бўлишига тоқат қилаолмайд.

Кейинги вақтларда ҳамқишлоқларимиз ўтин ва пичан тайёрлаш учун тоққа чиққанларида кўп марта лаб айқларга дуч келмоқдалар экан уни жуда яқин масофадан кузатишди. Бу учрашувларнинг ҳаммаси ҳеч қандай ҳуқуқ воқеаларига тугайди, бу бизнинг тоғларимизда айқинлар сони ортиб бораётганлигини далолат беради, — деб ҳикоясини тугатди Неъматилла.

— Қўнғир айқ республикамизда фақат тоғларда яшайди. Табиатда уларнинг қушандарлари йўқ. Чотқол ва Песком тоғларидаги айқлар икки турга бўлинади. Улар тўқ жигарранг, дегирли қора ва оч сариқ жулли айқлардир. Улар қишги горларда, катта ҳарсанг тошлари тағида уйқуда ўтказишади. Қиш аяғга чиққанда болаёлади.

М. МАҲМУТОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.



«РОССИЯНКА»

ДАСТУРХОНГА

ЧОРЛАЙДИ

Рус аёллари қадим-қадим замонлардан бўён ўзларининг пазандалик маҳорати ва меҳмоннавозлиги билан ном қилинган.

«РОССИЯНКА» ҲАМ СИЗЛАРНИ ДАСТУРХОНГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«РОССИЯНКА-2» — икки кодфоркали электроплита бўлиб, уйда ҳам, чорбоғда ҳам таомларни лаззатли қилиб тайёрлашда қўл келади.

Плита тез қизийди, электр қувватини тежаб ишлатади, ишлатилган бўлиб, унинг қизиқиш учун керакли ҳароратни осон сошлаш мумкин.

«Россиянка-2»нинг чакана баҳоси — 41 сўм.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТИЛИГИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИҒОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТИЛИГИ (телефон 45-37-27).

Театр Цирк

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/ХII да Кўёв,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Арлекино» цирки (19.30).

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

/«Ташкентская правда»/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БҒЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

